БУТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 100 (4559).

23 МАЙ СЕШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МОНГОЛИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ V СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Шонли юбилей — Монголия Халқ Республикасида Совет Иттифоқи билан дўстлик оммавий ташкилоти тузилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан монголия-совет дўстлиги жамияти съездининг делегатларини, жамиятнинг барча аъзоларини самимий табриклайман.

Улуғ Ленин ва монгол халқининг шонли фарзанди Сухэ-Батор асос солган совет-монгол дўстлигининг ҳаётбахш кучи давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида яққол ва равшан намоён бўлмоқда. Эндиликда чинакам умумхалқ дўстлигига айланган бу дўстлик бизнинг умумий ишимизга — марксча-ленинча идеалларни амалга оширишга, халқларимизнинг фаровонлиги ва бахт-саодати ишига актив хизмат қилмоқда.

Совет кишилари социализм қурилишида монгол-совет халқлари ўртасида қардошларча самимий муносабатларни ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришда Монголия Халқ Революцион партиясининг содиқ ёрдамчиси — Монголия—Совет дўстлиги жамиятини яхши биладилар ва унинг фаолиятига юксак баҳо берадилар.

Жамиятнинг 25 йиллиги кунида ўтказилаётган съездингиз мамлакатларимиз меҳнаткашлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳеч шубҳасиз янги ҳисса қўшди.

Азиз ўртоқлар ва дўстлар, жамиятингиз ишида сизга катта муваффақиятлар тилайман.

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси халқларининг, мустаҳкам дўстлиги яшасин ва равнақ топсин!

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

ПАРТИЯ ЛЕНИНЧА СИЁСАТИНИНГ УЛУҒ КУЧИ

1972 йил 19 майда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Халқаро аҳвол тўғрисида»ги докладини, КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ И. В. Капитоновнинг «Партия ҳужжатларини алмаштириш тўғрисида»ги докладини тинглади ва муҳокама этди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилди.

Марказий Комитет Пленуми «Халқаро аҳвол тўғрисида» бир овоздан қабул қилган қарорида Ўртоқ Л. И. Брежнев докладида айтилган қоидаларни ва Марказий Комитет Сиёсий Бюросининг КПСС XXIV съезди қарорларига мувофиқ халқаро кескинликни юмшатишга, тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини мустаҳкамлашга қаратилган амалий фаолиятини тўла-тўкис маъқуллади ва қўллаб-қувватлади.

Пленум шуни ғоят мамнуният билан қайд этдики, «КПСС-нинг, Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсатини бутун партия, барча совет халқи якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда, СССРнинг принципиал, изчил ташқи сиёсати Совет Иттифоқи, жаҳон социализми, миллий озодлик ҳаракатининг туб манфаатларига мос бўлиб, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари қарор топишига, империализмнинг агрессив сиёсатига зарба беришга актив ёрдам беради».

Пленумда Ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладда ҳозирги халқаро вазият марксча-ленинча чуқур таҳлил этилди, КПСС ва Совет давлатининг халқаро майдондаги фаолияти батафсил таърифланди, СССРнинг актуал ташқи сиёсий вазифалари белгилаб берилди.

Бизнинг партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети ўзининг бутун ишида КПСС тарихий XXIV съездининг қарорларига амал қилмоқдалар. КПСС XXIV съезди партия, совет давлатининг ҳозирги босқичдаги ички ва ташқи сиёсатининг бош йўлларини белгилаб берди. Съезддан кейин бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу давр совет ташқи сиёсати коммунистик қурилиш учун халқаро майдонда қулай шарт-шароит вужудга келтиришига ёрдам бераётганлигини, озодлик ҳаракатларини самарали қўллаб-қувватлаётганлигини, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаршилик кўрсатаётганлигини, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга олиб бораётганлигини яққол исботлаб берди. XXIV съезд илгари сурган тинчлик программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда ва жаҳон сиёсатининг таъсирчан омили бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик, иттифоқ ва дўстликни қучайтириш ва ривожлантиришдан иборат мустаҳкам йўлни амалга ошириб келмоқда. Жаҳон сиёсатининг барча асосий масалалари юзасидан қардош социалистик давлатлар билан келишиб олинган умумий йўлимиз бор. СССР иқтисодий ҳамкорликнинг узоқ даврга мўлжалланган планларини дўстлари билан координация қилмоқда. Социалистик иқтисодий интеграцияни амалга ошириш соҳасидаги ишлар кучайтирилмоқда. Социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ўсиб, жипслашиб, мустаҳкамланиб бормоқда, бу ҳамдўстликнинг позициялари мустаҳкамланмоқда ва жаҳон тараққиётининг боришига таъсири кенгайиб бормоқда. Жаҳонда кучлар нисбати тобора социализм фойдасига ўзгариб бораяпти.

Ҳаёт шуни тасдиқлаб турибдики, социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги жаҳон капитализмига қарама-қарши турган асосий куч, ҳозирги замондаги озодлик ҳаракатларининг қудратли таянчи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. КПСС жаҳон социализмининг позицияларини мустаҳкамлашга, қардош мамлакатлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган йўлни бундан буён ҳам зўр ғайрат билан давом эттираверишни ўзининг энг муҳим интернационал бурчи деб билади.

Совет халқи қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари билан биргаликда замонамиздаги бошқа ҳамма революцион кучлар билан — халқаро ишчилар ҳаракати билан, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун курашчилар билан иттифоқни зўр ғайрат билан мустаҳкамлаб бормоқда.

КПСС XXIV съезди қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги ватанимиз озодлик ва мустақиллик учун, империалистик агрессияга, янги ва эски мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Империалистларнинг халқлар озодлиги ва мустақиллигига қилаётган ҳамларига зарба бериш, уруш ўчоқларини тугатиш учун кураш совет ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишидир.

Совет Иттифоқи пролетар интернационализмининг ленинча принципларига амал қилиб ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган қаҳрамон Вьетнам халқига, Лаос ва Камбоджа ватанпарварларига ёрдам бермоқда. Вьетнамлик курашчиларнинг империалистик агрессияга қарши курашда эришаётган муваффақиятлари уларнинг фидокорона ғайрат-шижоати, сабот-матонати ва шу билан бирга Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг ва жаҳондаги бутун тараққийпарвар кучларнинг қудратли мадади натижасидир.

Совет кишилари Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Республикасининг ҳаққоний таклифларини тамомила маъқуллаб, интервентларнинг Ҳинди-Хитойдан чиқиб кетишини талаб қилмоқдалар. Бу районда яшовчи халқлар ташқаридан ҳар қандай аралашув ва тазйиққа йўл қўймай ўз тақдирини ўзлари белгилаш имкониятига эга бўлсинлар, деб талаб қилмоқдалар.

СССР араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун, можарони сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш, Яқин Шарқда мустаҳкам ва барқарор тинчлик ўрнатиш учун олиб бораётган ҳаққоний курашини қўллаб-қувватламоқда,. Совет Иттифоқининг бу районда ғоят муҳим ижобий ишлари бўлган тараққийпарвар араб давлатлари билан дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Биз халқларимизнинг ўзаро манфаатлари, тинчлик манфаатлари йўлида бу муносабатларни бундан-буён ҳам мустаҳкамлайверамиз.

Совет халқи барча қитъаларда мустамлакачилик жабрзулми кишанларини парчалаб ташлаб, империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши, мустақиллиқни мустаҳкамлаш учун, социал тараққиётнинг прогрессив йўли учун курашаётган халқлар билан дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантирмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан КПСС XXIV съездига қилган ҳисобот докладида бундай деган эди: «Совет Иттифоқи тинчликни актив ҳимоя қилиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш сиёсатини империализмнинг агрессив сиёсатига қарама-қарши қўймоқда».

Партиямиз ва давлатимизнинг Европа сиёсий тараққиёти илгари сураётган асосий проблемаларни ҳал этиш борасида кўраётган тадбирларининг яхши натижа бераётганлиги ҳам бу йўлнинг самарасини исботлаб турибди. Европада социализм позициялари мустаҳкамланмоқда. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Европада ғарб кучлари билан шарқ кучларининг душман сифатида бир-биригa қарама-қарши туриши ўрнига тинч, ўзаро фойдали ҳамкорлик даврини бошлашга қаратилган амалий тадбирлари ўз натижаларини бермоқда.

Қардош социалистик мамлакатларнинг бамаслаҳат иш кўраётганликлари, уларнинг сабот-матонати ва принципиаллиги, урушқоқ империалистик доираларга қаттиқ зарба бераётганликлари ва шу билан бирга Европада ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат ижобий йўллари қатъада кескинликни янада юмшатиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун имконият туғдирадиган вазиятни вужудга келтиришга ёрдам берди. СССРнинг Франция билан ва Европадаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги муваффақиятли суратда кенгайиб бормоқда. Совет Иттифоқи ва Польшанинг Германия Федератив Республикаси билан шартномалар тузганлиги Европада вужудга келган территориал ва сиёсий воқелик эътироф этилганлигидан далолат беради. Бу эса Германия Федератив Республикасининг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш учун негиз яратиб беради. Германия Федератив Республикаси аҳолисининг кўпчилиги СССР билан, социалистик ҳамдўстликдаги давлатлар билан муносабатларни тўбдан яхшилаш, милитаристик, реваншчи кучлар сиёсати билан алоқани узиш тарафдори эканлигини намойиш қилди. Мазкур шартномаларнинг, шунингдек Ғарбий Берлин хусусидаги битимларнинг кучга кириши билан Европадаги сиёсий вазиятга, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатади. Қитъадаги вазиятнинг барқарор бўлиши, бу ердаги халқларнинг келгусида тинч яшаш йўлида муваффақиятли кураш олиб бориш учун мустаҳкам негиз вужудга келтирилмоқда.

Бу шартномалар ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар асосида ГДР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни янада нормаллаштириш имкониятларини ҳам очиб беради. Германия Демократик Республикаси немис диёрида ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлати бўлиб, Европада тинчликнинг муҳим омилидир. ГДРнинг халқаро майдондаги позициялари мустаҳкамланмоқда, унинг бошқа мамлакатлар билан алоқалари ривожланмоқда.

СССР ва Польша Халқ Республикасининг Германия Федератив Республикаси билан тузган шартномалари хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини чақириш йўлида НАТО томонидан вужудга келтирилган кўп ғовларга барҳам беради. Кенгашга тайёргарлик кўриш амалий сиёсат иши бўлиб қолди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашаётган ижтимоий кучларнинг июнь ойи бошларида Брюсселда ўтказиладиган ассамблеяси ана шу тайёргарликда шубҳасиз, жуда муҳим роль ўйнайди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Умумевропа кенгашини қитъадаги вазиятни жиддий соғломлаштиришга, Умумевропа хавфсизлик системасини вужудга келтиришга кўп жиҳатдан ёрдам берадиган муҳим воқеа деб ҳисоблайдилар. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисида қабул қилган декларацияда Умумевропа ҳамкорлиги принциплари баён қилинган. Европа давлатларининг кўпчилиги бу декларацияга ижобий баҳо берди. Декларация кенгашни чақириш учун яхши истиқболлар очиб берди.

Совет Иттифоқи Осёдагн давлатлар билан жуда яхши муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлиб келди ва бундан тарафдор бўлиб келмоқда. Қўшни мамлакатлар билан шундай муносабатлар ўрнатилганлиги, Ҳиндистон билан дўстлигимизнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги, Япония билан муносабатларимизни яхшилаш йўлида бир мунча бурилиш ясалганлиги Осиёдаги умумий вазиятга ижобий таъсир кўрсатаяпти. СССР бу қитъада коллектив хавфсизлик ғоясини илгари сурди. Осиёдаги кўп мамлакатларда бу ғояга ижобий баҳо берилди. Совет сиёсати Осиё халқларини антиимпериалистик курашда жипслаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Хитой Халқ Республикаси раҳбарларининг антиленинчи йўли бунга зиддир. Бизнинг давлатимиз Хитойга нисбатан КПСС XXIV съездида ишлаб чиқилган йўлни изчиллик билан ўтказиб келмоқда ва ўтказаверади. Бу йўл Хитой раҳбарларининг социализм ишига душман бўлган бузғунчилик сиёсатига қарши актив кураш олиб боришни, Ватанимизнинг манфаатларига қилинадиган ҳар қандай ҳамлага муттасил зарба беришни ва айни вақтда Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни нормаллаштиришга, яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишга шай бўлиб туришни кўзда тутади. Бундай йўл социалистик ҳамдўстликнинг ва жаҳон революцион ҳаракатининг умумий манфаатларига ҳам, Совет Иттифоқи ва Хитой халқларининг туб манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

СССР ўзининг халқаро муносабатлар системасида турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципига амал қилмоқда, халқаро проблемаларни сиёсий жиҳатдан тинч ҳал этиш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу низоли масалаларни энг йирик капиталистик мамлакат — Америка Қўшма Штатлари билан ҳам тинч ҳал этиш йўлларини белгилаб беради. Совет Иттифоқи АҚШ билан муносабатларни нормаллаштириш тарафдоридир. Партиянинг XXIV съездида бу масала тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашнинг умумий программасида ўз ўрнини олди. Жаҳондаги ҳозирги вазиятда икки томонлама муносабатларни нормаллаштириш манфаатларини кўзлаб Совет Иттифоқи билан Америка ўртасида олиб бориладиган музокаралар жаҳон социализми манфаатларига ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига тўла-тўкис жавоб беради. Совет Иттифоқи АҚШ президенти Никсоннинг СССРга қиладиган визитига амалий реалистик позицияда туриб ёндошмоқда. Биз Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида сиёсатимизнинг принципларидан четга чиқмай, ҳар иккала мамлакат халқларининг саодати ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берадиган муносабатларни кенгайтириш наф келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Бутун совет халқи КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий Бюроси ва секретарнати, Совет Ҳукумати ва СССР Олий Совети тинмай амалга ошириб келаётган ташқи сиёсатнинг ленинча доно йўлини якдиллик билан ва тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. Қардош коммунистик партиялар, жамоатчиликнинг кенг доралари КПСС XXIV съезднинг ташқи сиёсий программасини, тинчлик программасини маъқуллламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, бу сиёсат тинчлик ва тараққиёт учун, халқлар ҳамкорлиги учун ва империалистик агрессия учоқларини тугатиш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз жаҳон миқёсида синфий кураш доим кескинлашиб бораётган бир шароитда, халқаро кескинликнинг юмшатилишига, ватанимизнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг ҳалқаро таъсири мустаҳкамланишига жонжаҳдлари билан қарши чиқаётган турли кучлар билан кураш шароитида амалга оширилмоқда. Вазият ташқи сиёсий масалаларга зўр эътибор беришни ва бу соҳада ташаббус кўрсатишни талаб этади. Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети худди шу тарзда иш кўрмоқдалар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросига XXIV съезд белгилаб берган тинчлик программасини бундан буён ҳам оғишмай амалга ошириш, уни ҳал этишнинг турли форма ва методларидан конкрет вазиятга қараб фойдаланиш, ҳозирги вақтдан келиб чиқадиган амалий вазифаларни ҳал этишни халқларнинг тинчлиги, эркинлиги ва хавфсизлиги, ижтимоий тараққиёт ва социалзм учун курашнинг узоқ вақтга мўлжалланган истиқболи ва мақсадлари билан узвий равишда боғлаш вазифасини топширди.

Марказий Комитет Пленуми съезднинг қарорига мувофиқ, 1973—1974 йилларда КПСС аъзоларининг партия ҳужжатларини алмаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Пленумнинг қарорида бундан деийлган: «Партия ҳужжатларини алмаштириш муҳим ташкилий-сиёсий тадбир сифатида ўтказилиб, партияни янада мустаҳкамлаш, коммунистларнинг активлигини ва интизомини ошириш вазифаларига бўйсундирилсин. Бу иш ҳамма партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашга, уларнинг КПСС XXIV съезди ўжалик ва маданий қурилиш соҳасида ўртага қўйган вазифаларни бажариш соҳасидаги ишларни кучайтиришга кўмаклашиши лозим. Партия ҳужжатларини алмаштиришдан ички партия турмушини янада активлаштириш, партия раҳбарлиги методларини такомиллаштириш, омма орасидаги ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши савиясини ошириш учун тўла-тўкис фойдаланиш зарур».

Партиямиз коммунистларнинг ғоявийлиги, активлиги, фидокорлиги билан қучлидир. Партия халқнинг ленинчи авангарди бўлиб, уни буюк бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга бошлаб бормоқда. Ҳар бир коммунист юксак ғоявий ва маънавий ҳислатларга эга бўлса, партиянинг маънавий нуфузи ҳам шу қадар юқори бўлади. Шу сабаби партия ташкилотлари шунга эришмоқлари керакки, ҳамма коммунистлар КПСС Программаси ва устави талабларига қатъий риоя қиладиган бўлсинлар, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзларининг авангардлик ролларини амалда бажарсинлар, партия топшириқларига виждонан муносабатда бўлиш, марксизм-ленинизм назариясини доим ўрганиб бориш, совет қонунларига, коммунистик аҳлоқ нормаларига ва социалистик жамиятда яшаш қоидаларига риоя қилишда намуна бўлиш — коммунистнинг бурчидир.

Пленум 1954 йилги нусҳадаги ҳамма партия билетлари ва уларнинг ҳисоб карточкалари алмаштирилиши керак, деб белгилади. Партия ҳужжатларини алмаштириш коммунистлар доимий партия ҳисобида турадиган бевосита район, шаҳар партия комитетларида, сиёсий бўлимларда қатъиян якка-якка тартибда ўтказилиши лозим. КПСС Марказий Комитети областлар, ўлкалар ва республикаларда партия ҳужжатларини алмаштиришга раҳбарлик қилиш ишини область, ўлка комитетларига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотидаги, чегара қўшинларидаги партия ташкилотларига ва бошқа партия ташкилотларида эса сиёсий бошқармаларга ҳамда тегишли сиёсий бўлимларига топширди.

Совет халқи КПСС XXIV съезднинг қарорларини амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишда, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ва халқаро позицияларини мустаҳкамлашда анча катта муваффақиятларга эришди. Бу эса бундан буёнги иқтисодий қурилиш учун, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, мамлакатни равнақ топтириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Биз экономика, фан ва маданиятни нечоғлик муваффақиятли ривожлантириб борсак, тинчлик ва социализм ишининг мустаҳкам ва ишончли таянчи бўлган Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги нуфузи ҳам шу қадар юқори даражага кўтарилади.

Мамлакатимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети пленумининг қарорларини қизғин ва якдиллик билан маъқулламоқдалар. Улар тўққизинчи беш йиллик планни бажариш соҳасида фидокорона кураш олиб бориш йўли билан жонажон партия, унинг Марказий Комитетининг ленинча йўлини қизғин қўллаб-қувватлашларини изҳор қиладилар. СССР Иттифоқи ташкил этилган кунинг 50 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа чинакам умумхалқ мусобақасига айланди.

Совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида, унинг зафарли байроғи остида комил ишонч билан коммунистик бунёдкорликнинг янги чўққилари сари бормоқда.

(«ПРАВДА»нинг 21 майдаги бош мақоласи).

ПАРТИЯ БИЛАН БИРГАМИЗ

Колхозчиларнинг қайсиси билан гаплашманг, улар тинчлик учун, Ватанимизнинг янада гуллаб яшнаши учун астойдил меҳнат қилаберамиз деб жавоб беришади.

Дарҳақиқат шундай. Жаҳонга тинчлик керак. Бу ҳар бир пахтакорнинг, ҳам, чорвадорнинг ҳам чин қалбидан айтган сўзларидир. Колхозчилар тинчлик тарафдоридир.

Совет кишилари каби бизнинг пахтакорларимиз ҳам КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини зўр қизиқиш билан ўқиб, уни якдиллик билан маъқуллямоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб халқаро кескинликни юмшатиш, тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини мустаҳкамлаш йўлида бундан кейин ҳам катта ишларни амалга оширадилар. Бу доно сиёсатга биз деҳқонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етиштириб бериш билан жавоб берамиз.

А. ЮСУПОВ,
Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг раиси.

МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН!

Шонли коммунистлар партияси халқаро миқёсда тинчлик сиёсатини, айниқса, КПСС XXIV съезднинг бу соҳадаги қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун сабр ва матонат билан иш олиб бормоқда.

19 майда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ҳам бу масала муҳокама қилинди.

Пленум Марказий Комитетнинг сиёсий бюросига XXIV съезд белгилаб берган тинчлик программасини бундан буён ҳам оғишмай амалга ошириш вазифасини топширди.

Бу шубҳасиз биз совет кишиларининг айни мақсадимиздир. Биз партиямизнинг тинчлик сиёсати туфайли янгидан янги ғалабаларга эришяпмиз. Турмушимиз, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораяпти. Халқимизга тинч осойишта меҳнат шароити яратиляпти. Шунинг учун биз партиямиз олиб бораётган тинчлик сиёсатидан беҳад миннатдормиз ва уни қўллаб-қувватлаб янги ғалабаларга эришиш учун меҳнат қилмоқдамиз.

Э. ҚУЗИЕВ,
Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз бригадасининг бошлиғи.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Шонли Ленин партияси ҳамиша тинчлик учун курашиб келди ва курашиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ҳужжатлари ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев халқаро аҳвол тўғрисида қилган докладида халқаро кескинликни юмшатишга, тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим масалаларни баён қилиб берди.

Пленум қарорлари барча совет кишилари қатори биз халқ маориф ходимлари томонидан ҳам қизғин ўқиб-ўрганилмоқда. Ёш авлодга таълим-тарбия беررаэканмиз, ҳамиша ер юзида тинчлик бўлсин дейміз.

Ғани ҚОДИРОВ,
Калинин районидаги 26-мактаб директори.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистия партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети Монголия Халқ Республикасининг таниқли давлат ва партия арбоби, Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хурали Президиумининг раиси Ўртоқ Жамсарангийн Самбунинг 1972 йил 20 майдан 21 майга ўтар кечаси Улан-Баторда 77 ёшида вафот этганлигини Совет Иттифоқи меҳнаткашларига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ РИЧАРД М. НИКСОН МОСКВАГА КЕЛДИ

Америка Қўшма Штатларининг президенти Ричард М. Никсон расмий визит билан 22 майда Москвага келди.

Р. М. Никсон ва унинг рафиқаси билан бирга АҚШ давлат секретари Уильям П. Рожерс, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Генри А. Киссинжер, АҚШ қуролсизланиш ва қурол-яроглар устидан контроль қилиш агентлигининг директори Жерард Смит, президентнинг ёрдамчиси Питер Флэниган, давлат секретарининг ўринбосари Мартин Ж. Хилленбранд Москвага келдилар.

АҚШ ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида президент Никсон ва унинг ҳамроҳларини СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосарлари К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. Соломенцев, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, А. П. Вадер, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. А. Кириллин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари Б. П. Бугаев, А. А. Гречко, А. А. Громико, В. В. Мацкевич, Н. С. Патоличев, Б. В. Петровский, Е. А. Фурцева, Н. А. Шчелоков, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, Москва совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов, СССР Фанлар Академиясининг президенти М. В. Келдиш, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари В. В. Кузнецов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэродромда Москва шаҳри меҳнаткашларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Кутиб олувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги элчиси Жэкоб Д. Бим, элчихонанинг дипломатик ходимлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

Учиш майдонида СССР Қуролли Кучларининг уч тури-пиёдалар, учувчилар, денгизчилардан иборат фахрий қоровул саф тортди. Давлат гимнлари ижро этилди.

АҚШ президенти фахрий қоровулнинг рапортини қабул қилди. Р. М. Никсон Н. В. Подгорний совет жангчиларининг сафи олдидан ўтдилар.

АҚШ президенти аэродромдан Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин билан биргаликда мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигида Кремлдаги ўзига ажратилган қароргоҳга йўл олди.

АҚШ президенти ва унинг ҳамроҳлари тушган автомашиналар кортежи ўтган кўча ва майдонлар АҚШ ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган эди.

(ТАСС).

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИ К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ СССРГА КЕЛИШИГА ДОИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Курт Вальдхайм Совет Ҳукуматининг таклифига биноан 17 июлда расмий визит билан СССРга келади.

ЎРОҚ ВА БОЛҒА ДЎСТЛИГИ

«Ташсельмаш» заводи бош конвейеридан ХН—3,6 маркали «Ўзбекистон» терим машинаси тушган кунни ишчилар ҳам, колхозчи деҳқонлар ҳам узоқ йиллар эсда сақлашади. Ўша куни заводда катта тантана бўлиб кетди. Кенг қаторли эгатларда ишловчи бу замонавий машинанинг биринчиси Пахтакор районидаги Охунбобоев номли совхоз комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Аҳмаджон Валиевга топширилди.

Аҳмаджоннинг суяги пахтачиликда қотган. У бошлиқ коллектив ўтган йили гектар бошига 37 центнердан «оқ олтин» йиғиб олди. Ўзи икки қаторли машина билан хирмонга юзлаб тонна момиқ пахта тўкди. Мана энди тўрт қаторли машинага эга бўлди.

— Беш йиллик давомида камида 3000 тонна «оқ олтин» теріб бераман, — деди у митингда сўзга чиқиб. — Деҳқон юкини енгил қилаётган ишчиларга, офарин! Ўроқ ва болға дўстлиғи йил сайин мустаҳкамланаверсин.

Областимиз ишчилари билан республика деҳқонлари ўртасида туғилган дўстликнинг ўз тарихи бор. Тошкент — машинасозлар шаҳри. Ишчилар ғаллати ва деҳқонлар кўмаги билан шаҳримизда қатор қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, йирик заводлар кўкка бўй чўзди. Улар қуввати йил сайин ошиб, ҳозир шаҳримиз йирик индустриал марказларидан бирига айланган. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожланган сари қишлоқларни қудратли техника билан таъминлаш учун кенгроқ имкон яратилмоқда. Бу билан шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги дўстлик яна ҳам мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги кунда пахта далаларида жавлон ураётган замонавий техникаларнинг аксарияти Тошкент ишчиси қўли билан тайёрланган.

Кекса пахтакорлар Россиядан келтирилган дастлабки тракторларнинг ишини кўришган. Ўшанда улар рус ишчиси яратган мўъжизага қойил қолган эдилар. Ўшандан бери қанча, ёз, қанча қиш ўтди. Деҳқон орзулари йил сайин тўлароқ ушалабошлади. Фақатгина ўтган беш йиллик мобайнида областимиз саноат корхоналарида 104 мингта трактор, 41741 та пахта териш машинаси, 4744 та экскаватор, 172 мингта трактор прицепи, 5 миллион 705 минг тонна минерал ўғит тайёрланиб, пахтакор ва соҳибкорларга тақдим этилди. Бу агрегатлар ёрдами билан қишлоқ хўжалиги ишларини комплекс механизациялаш, оғир қўл меҳнати талаб қиладиган жараёнларни янада енгил қилиш имкони туғилди. Янги беш йилликда областимиз меҳнат аҳли камида 1,8 миллион тонна пахта ҳосили етиштириб, давлатга сотиш, далалардан 265,5 минг тонна дон, 1235 минг тонна сабзавот, 465,5 минг тонна мева ва узум йиғиб олиш, 113,1 минг тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олганлар. Ўмуман олганда йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилларга нисбатан 12 процент кўпаяди.

Область саноатчиларининг СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги шарафига олган мажбуриятлари ҳам ниҳоятда юксакдир. Улар қишлоқ хўжалигига машиналар, эҳтиёт қисмлари етказиб бериш квартал ҳамда йиллик планини муддатидан олдин бажаришга аҳд қилганлар. Беш йилликнинг сўнгги йилига бориб эса деҳқонларимизга 99 мингта трактор, 190 мингта трактор прицепи, 79 мингта культиватор, 38980 та пахта териш машинаси, 6920 та экскаватор тақдим этилади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1970 йилга нисбатан 2 баравар ошади.

Беш йилликни муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган мусобақага ҳозир барча қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари тўла қўшилишган. Бу корхоналарнинг байроқдори ҳисобланган «Ташсельмаш» заводи шу йилнинг ўзида олдинги йилга нисбатан 3 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилади. Пахта териш машиналарига керакли бўлган эҳтиёт қисмлари тайёрлаш 4 процент кўпаяди. Бу йилги мавсумда ингичка толали пахтани териб олишда 50-та янги маркали машина қатнашади. Ҳар бири 300 теримчи ишини бажарувчи «Ўзбекистон» номли машина ишлаб чиқариш янада кўпайтирилади.

Тошкент трактор заводи қуввати ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Корхона аҳли СССР-нинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, йил давомида қўшимча 400 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан, «Т—28х4» маркали 20 та трактор, 30 та прицеп ва 2 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш учун курашмоқда. «Ташсельмаш» заводи ҳам, трактор заводи ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш билан бир қаторда тайёрланаётган агрегатлар сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор беряпти. Ҳар иккала корхона коллективи келгуси йилда ўз маҳсулотларини «сифат белгиси» билан чиқаришга сўз берганлар.

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз қарори билан саноат корхоналарининг колхоз ва совхозларга кўрсатаётган оталиқ ёрдами сезиларли даражада кучайди. Долзарб далларда ишчилар қишлоқларга чиқиб, ўз қадрдонларига яқиндан кўмаклашмоқдалар. «Ўроқ ва Болға» байрамини ўтказиш одат тусига кириб бормоқда.

Оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан бошланган мусобақа давомида қишлоққа кўмаклашишнинг турли хил форма ва методлари туғилмоқда. Чирчиқ трансформатор заводи ва Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз коллективи биргаликда социалистик мажбурият қабул қилишган. Бу мажбуриятда завод колхозга ва колхоз заводга нималар етказиб бериши ҳақида конкрет келишиб олинган.

Областимизнинг бошқа корхоналари ҳам колхоз ва совхозлар билан мана шундай шартномалар тузиб олишган. Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати кўп йиллардан бери «Оққўрғон» совхозига оталиқ ёрдами кўрсатиб келяпти. Металлургларга бу йил ҳам сидқидилдан ёрдам беришга отланганлар. Улар қўли билан ҳозиргача 20 та автомобиль, 6 та токарлик станоги, 3 та пайвандлаш трансформатори ва 60 та электр двигатели ремонтдан чиқариб берилди. 5 минг метрлик водопровод қувури ётқизилди, дала шийпони сифатли ремонт қилинди. Янгийўл шаҳри корхоналари эса район хўжаликларини ўз оталигига олган. Саноатчилар йил давомида колхоз ва совхозларнинг кўплаб техникасини ремонтдан чиқарадилар, 4 та чорвачилик фермасини жиҳозлайдилар, 17 та дала шийпони қуриб берадилар, техника сақланадиган майдонларни асфальтлайдилар.

Шу ўринда Сирдарё областидаги 26-совхозни ва Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли колхозни ўз оталигига олган «Ташсельмаш» заводи машинасозларининг намунали ёрдами ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Деҳқонлар тез-тез заводда бўлишади, завод ишчилари ҳам қишлоқларга чиқиб, деҳқонлар меҳнати билан танишадилар.

«Ташсельмаш» заводи ташкил этган курсларда ўтган даврда 500 дан ортиқ механизатор машинани бошқариш сирларини ўрганиб олди. Бу йил ҳам энгидан 500 механизатор тайёрланмоқда.

Малакали кадрлар тайёрлашда областимизнинг бошқа саноат корхоналари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Баҳорги экиш мавсумида тошкентликлар 275 тракторчи, 460 слесарь тайёрлаб қишлоқларга жўнатдилар. Улар бевосита дала бошида бўлиб, техниканинг соз ишлашини таъминладилар.

Юбилей йилида етиштириладиган ҳосилнинг тақдири ҳаммамизнинг қўлимизда. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшамиз.

А. БРАИЛОВ,
область касаба союзлари Советининг раиси.

ИСЛОҲОТ ВА МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИ

Тошкентда иқтисодий конференция

22 майда Тошкентда «Хўжалик ислоҳоти ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш» деган мавзуга бағишланган иқтисодий конференция ўз ишини бошлади. Бу конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитетининг хафталик «Экономическая газета» редакцияси уюштирди.

Республикадаги йирик саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасаларнинг раҳбарлари ва бош мутахассислари, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ва иқтисодий профилдаги илмий тадқиқот институтларининг экономист олимлари, марказий ва республика матбуот органлари, телевидение ҳамда радио вакиллари, пропагандистлар, партия, касаба союз ва комсомол ходимлари, республика Госплани, министрликлари ва идораларининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совет Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг раҳбар ходимлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг хафталик «Экономическая газета» редакциясининг ўз қўзи билан конференцияни очди.

Конференция қатнашчилари биринчи куни КПСС Марказий Комитетининг хафталик «Экономическая газета» газетасининг бош редактори профессор А. Ф. Румянцевнинг «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида иқтисоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш проблемалари», Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари Ш. А. Хўжаевнинг «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида хўжалик ислоҳоти ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш», СССР Госплани планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларини жорий қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари В. М. Иванченконинг «Планлаштириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилашда иқтисодий рағбатлантириш практикасини такомиллаштириш», СССР Министрлар Совети стандартлар давлат комитети раисининг ўринбосари П. С. Малишковнинг «Давлат стандартлари ва маҳсулот сифатини аттестациялаш», Эриши қийин ва ўтга чидамли металлар Ўзбекистон комбинатининг бош инженери Н. Н. Сергеевнинг «Хўжалик ислоҳоти шароитида эриши қийин ва ўтга чидамли металлар Ўзбекистон комбинатининг иш тажрибаси ва проблемалари», «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг директори С. У. Султонованинг «Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмасида хўжалик ислоҳоти шароитида маҳсулотнинг сифатини яхшилаш тажрибаси ва проблемалари, Ю. А. Гагарин номли «Таштекстильмаш» заводининг бош инженери В. М. Филимоновнинг «Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш—буюмларнинг сифати ва пухталигини оширишнинг энг муҳим шарти», Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат нарх комитети раиси Н. Тожиевнинг «Аҳоли истеъмол қиладиган товарлар сифатини яхшилаш ва нарх белгилаш практикасини такомиллаштириш» тўғрисида қилган докладларини тингладилар. Докладлардан сўнг фикрлашув бўлди. Конференция қатнашчилари маҳсулот сифатини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар қабул қилдилар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

КИЕВ зонал илмий-текшириш институти лойиҳачилари бошқа институтлар мутахассислари билан ҳамкорликда ер ости йўллари ва кранлари талаб этилмайдиган кўп қаватли турар жой бинолари қуриш устида иш олиб бормоқдалар. Лойиҳа авторлари фикрича 4—5 квартирадан иборат блок-секциялар заводнинг ўзида қурилиб, қурилиш майдонига дирижабль ёрдамида элтиб монтаж қилинади. Суратда: Украина ССР халқ хўжалиги илғор тажрибалари виставкасига қўйилган ана шундай лойиҳани виставкага келганлар кўздан кечирмоқдалар.

●

КИЕВ. Патон номидаги электр пайвандлаш институти янги қурилмалар барпо этиш устида самарали иш олиб бормоқда. Суратда: институт тажриба цехларининг бирида янги пайвандлаш қурилмасини синаб кўриш пайти.

А. Поддубний фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

АҲИЛ ОИЛА

Ўрта Чирчиқ районидаги металл конструкциялари заводи коллективи жуда кўп миллат вакилларидан ташкил топган. Корхонада рус, ўзбек, украин, белорус, татар, корейс, турк ва бошқа миллатга мансуб кишилар ота-инидек бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишяпти.

Ишчи-хизматчилар социалистик мусобақани авж олдириб, илғор иш усулларини қўллаш ҳафтаси ўтган кунларда топширилгандан ташқари анчагина миқдорда металл конструкция ишлаб чиқарилди ва республикамиз қурилишларига етказиб берилди. Айниқса, 4-йигув-пайвандлаш цехи коллективи баракали ишламоқда. Цехлараро социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган бу цех ишчилари беш ойлик планни бажариш арафасида туришибди. П. Матисов, В. Тихонов ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадалар аъзолари топшириқни бир ярим бараварга етказиб адо этиб, фақат сифатли маҳсулот бермоқдалар. Уларнинг ғайрат-шижоати билан минг сўмликдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди.

А. ҚОДИРОВ.

САҲОВАТЛИ ҚАЛБ

Жарроҳ ота билан хайрдашаркан яқинда бўлиб ўтган воқеани эсларди...

Тунда навбатчи хирург Анвар ўзи операция қилган бемор ҳузурига борди. Палатанинг чироғи ўчиқ, ҳамма қатори бемор ҳам ширин уйқуда. Жарроҳнинг кўнгли таскин топиб, хирурглар хонасига кирди. Ташқарида ёмғир шивалаб ёғмоқда. Унинг майда заррачалари очиқ деразадан ичкарига сачрайди. Анвар дераза ёнига келиб, ёмғирининг соф, муздек ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Бир вақт коридордан ҳазин товуш эшитилди. Хирург эшик томон отилди. Ҳамширалар носилкада бир бемор отахонни олиб келишарди. Анвар касални синчковлик билан кўрар экан, беморга ғамгин боқиб қолди. Ҳа, отанинг ҳаёти қил устида: кўричак ёрилиб кетганди.

— Операция столига!—буюрди хирург.

Ҳасанбой ота операциядан яхши чиқди. Ҳеч қанча ўтмай у соғайиб, уйига қайтди. Мана энди у ҳаётига ҳаёт қўшиб берган Анвардан миннатдор.

Анвар Момоносиров —ТошМИнинг талабаси. Бу даргоҳни 1960 йили тамомлаб, ўз истаги билан Сурхондарёга отланди. Денов районидаги «Ҳозарбоғ» совхозининг касалхонасида ишлади.

1964 йили ўз райони— Янгийўлга қайтиб келиб, шаҳар касалхонасининг хирургия бўлимида ишлай бошлади.

Ҳозир коммунист Анвар Момоносировнинг бўлимининг устоз хирургларидан. У жарроҳлар даврасидан ўрин олган ҳар бир шифокорга ўз тажрибаси, маслаҳатларини эринмай ўргатади. Мана бугун ҳам ёш хирурглар Ҳ. Қорабоев, Д. Жаҳонгирова билан суҳбатда.

— Медицина қизиқ олам,— дейди у,— ҳар бир шифокор бемор юрагига кира олиши, уни ўша ердан даволаши керак. Бир воқеани ҳикоя қилиб берай:

— Ўрта ёшроқ Вали деган одамнинг қўлига яра чиқиб, ҳеч дори таъсир этмабди. Ниҳоят, профессорга учрашибди. Профессор тинглаб, бўлиб дейди: «Жудаям енгил яра экан. Ҳар куни бир маҳалдан келиб турасиз. Ўн кунда яранинг ўрнини ҳам тополмайсиз». Бемор дарддан қутулгандай шодланиб кетибди. Профессор ярага оддий сув қўя бошлабди. У газак олиш ўрнига қовушиб тузалибди. Биласизми, профессорнинг муваффақияти қаерда? Ў беморга руҳий таъсир этган, кўнглини кўтарган.

Кўпинча уни Янгийўл медицина билим юртида учратасиз. Анвар бу ерда хирургия фанидан студентларга таҳсил беради. Шаҳардаги типография, «Нормал», ғишт заводлари ишчилари Момоносировни ҳар гал қувонч билан кутиб олишади.

Ҳа, Анвар Момоносиров — саломатликнинг чинакам соқчиси!

Асҳўжа ИНОҒОМОВ,
Янгийўл райони.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Зарбдор қурилиш — Чорвоқ гидроузели бунёдкорларининг Маданият саройи яқинда одамларга лиқ тўлди. Бу ерда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб «Партия XXIV съезди ва миллий муносабатларни ривожлантириш масалалари» деган тема бўйича илмий-назарий конференция ўтказилди.

Конференцияни Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари Т. Ш. Шамсиев қисқача кириш нутқи билан очди. Нотиқ район меҳнаткашларининг ССР Иттифоқининг ярим асрлик юбилейига кўрсатган тайёргарликлари, юбилей йили мажбуриятлари ҳақида гапирди, районда турли миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилаётгани, биргина Чорвоқ ГЭСи қурилишида 40 дан ортиқ миллат фарзандлари бир оиладек бўлиб ишлашаётганини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг сўз пойтахтлик олимларга берилди.

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. Турсунов «Коммунистик қурилиш даврида социалистик миллатларнинг равнақи ва яқинлашуви», профессор Ҳ. Расулов «Совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми», педагогика фанлари кандидати А. Я. Соболев «Ёш авлодни интернационал руҳда тарбиялашда мактаб, жамоатчилик ва ота-онанинг роли» деган темаларда мазмунли докладлар қилдилар.

Бўстонлиқ район партия комитети ва «Билим» жамияти область ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган бу илмий-назарий конференцияда партия, хўжалик активлари, лекторлар ва пропагандистлар, Чорвоқ ГЭСи инженер-техник ходимлари ва ишчилари, 14-«Хўжакент» совхози ишчи ва хизматчиларидан 800 га яқин киши иштирок этди.

«САЛОМАТЛИК КУНИ»

Областимиз шаҳар ва районларида «Саломатлик куни»ни ўтказиш одат тусига кириб қолди. Область партия комитети билан Тошкент Давлат медицина институти ҳамкорлигида амалга оширилаётган бу тадбир ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ўрта Чирчиқ районида ўтказилган «Саломатлик куни» ҳам ўзига хос медицина кўригига айланди. Тошкент давлат медицина институтининг бир группа медик олимлари район меҳнаткашлари ҳузурида қизиқарли темаларда лекция ва суҳбатлар билан чиқдилар.

Группаларга бўлинган олимлар райондаги касалхона ва поликлиникаларга бориб, консультациялар бердилар, беморларни кўздан кечирдилар. Профессорлардан М. Исмоилов, М. Ашрапова, У. Асқаров, А. Қодирова ва бошқалар Энгельс номли, «Партия XXII съезди», Акмал Икромов номли колхозларда мазмунли суҳбатлар ўтказдилар.

К. ҚАМБАРОВА.

ҒАЗАЛКЕНТДАГИ Ломоносов номли 2-ўрта мактаб ўқувчилари учун рус тили иккинчи она тили бўлиб қолган. Мураббия Замира Азизова ёшлигидан рус тилига меҳр қўйган эди. Замира орзусига эришиб, рус тили ўқитувчиси бўлди. Унинг юқори синфларда ўтказаётган дарслари ҳамиша қизиқарли бўлади. Суратда: З. Азизова 9-синфда адабиёт дарсини олиб бормоқда.

И. Портнов фотоси.

ЖАҲОН ЖАВОХИРЛАРИ

Беруний Американи назарий жиҳатдан кашф қилганида Колумб ҳали дунёга келмаган эди. Замон зайли билан Американинг очилиши йўлдан адашган Колумбнинг номи билан тарихга ёзилди. Ползунов бир қозонини кашф қилганидан қанча йиллар кейин инглиз олими Жемс шу нарсани яна кашфиёт қилиб чиқди.

Атом асри кашфиётларининг эса чеки йўқ. Улар билан минутма-минут танишиб, қуролланиб бориш ҳар бир фан кишиси учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ўзбекистондаги энг ёш институтдан бири—республика илмий ахбороти қошида бундан етти йил бурун очилган патент—жаҳон кашфиётлари ёзилмаси бўлими олимларимизга катта имкониятлар очиб бермоқда.

Шунгача бундай бўлим СССРда фақат Москвадагина бор эди. Олимлар бирор муҳим масала ё кашфиёт устида иш олиб бормоқ учун Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат патент фондига бориб, шу соҳадаги ишлар билан танишиб келар эдилар. Мақсад, шундай кашфиёт бўлганми ва шу соҳадаги энг янги ютуқлар нимадан иборат, шуни билиш эди. Ҳисоб-китобга кўра ана шундай командировканинг ўзига уч миллион сўм пул кетаркан. Энди бунга қисман чек қўйилди.

Патент ёзилмалари институтнинг ертўла қисмида сақланар экан. Биз кирган биринчи хонада икки йигит дастгоҳда кинопленкаларни ғалтакларга ўрамоқда. Рулон плёнкалардаги ҳар бир кашфиёт ёзилмасини кесиб, кейин кичик пластмасса қутиларга солиб териб қўйиляпти.

— Бу ерда,— дейди патент фонди бўлимининг бошлиғи А. Абдуллаев,—патент ёзилмалари биринчи ишловдан ўтади. Ҳар бир кашфиёт алоҳида кесилгач, қутиларга солиб навбатдаги сарҳиллаш жараёнига узатилади.

Кашфиёт ёзилмалари фақат кинопленкада олиниб, шу тахлитда қизиқувчиларга тақдим қилинаркан. Негаки, кинопленка қоғозга нисбатан 80 процент кам жойни олади ва беш марта арзон тушади. У қоғозга ўхшаб эскирмайди. рангини йўқотмайди. Бу ерда ҳатто 1877 йил ихтиролари ҳам бор. Нусхаси керак бўлса шу плёнкадан каттайтириб, кўчириб берилавераркан.

Навбатдаги хонада ёзилмаларга белгилар қўйилар экан. Ўртада баҳайбат темир шкафлар. Ҳар бирининг тепасига мамлакатлар номи зикр этилган.

Қизиққан киши 1 қаватдаги карточка хонасидан буюртма бераверади. 10—15 минут ичида плёнкани ўқиш аппаратига солиб иш билан танишавериш мумкин.

Умуман бу ерда етти миллион патент ёки фан тилида биринчи номерли — илмий ахборот билан танишиш мумкин. Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат патент фонди эса 7,5 миллион кашфиёт ёзилмасига эга. Тошкент патент фонди энг катта хазиналардан бирига эга бўлиб, бўлим ходимлари 38 мамлакат билан алоқа боғлашган. Ҳар йили фондга 350—400 минг кашфиёт ёзилмаси қўшилиб бораверади.

Ўтган йилнинг охирида патент бўлими қошида патент ахбороти сектори тузилиб, унинг вазифаси мутахассисларни Иттифоқимиз ва чет элдаги энг охирги фан-техника ютуқлари билан таништириб бориш, соҳалар бўйича енгилликларни тўплаш, муҳим проблемалар бўйича кўргазма, семинарлар ташкил этишдан иборатдир.

Масалан, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида конструкторлар урчуқсиз йигириш проблемаси устида иш олиб бормоқдалар. Заводдан секторга шу соҳа бўйича маълум бўлган ишларни тўплаб бериш ҳақидаги буюртмани сектор ходимлари қисқа вақт ичида икки минг бетлик мукаммал ахборот тарзида тайёрлаб беришди...

Яна бир мисол Тошкент пиллачилик-конструкторлик бюроси Иттифоқимиз бўйича бош ташкилот ҳисобланади. Улар ҳам энг унумдор пилла калавалайдиган ускуналар яратиш устида ишламоқдалар. Ҳозир ахборотчилар бу соҳада Япония, АҚШ, Германия Федератив республикаларида қилинган ишлар бўйича маълумот тайёрлаб бермоқдалар.

Патент бўлими Ўзбекистон илмий-техника ахбороти институтининг бир қаноти бўлса, иккинчиси илмий ахборотдир. Институтда илмий обзорлар, сўнгги илмий ахборотлар нашр қилинади. Масалан, «Ўзбекистон саноатида НОТни татбиқ этиш», «Саккизинчи беш йилликда Ўзбекистон пахта саноатида иқтисодий-техникавий кўрсаткичлар», «Маҳсулот сифати ва контроль», «Техника прогресси ва ишлаб чиқаришни ўстириш фонди» каби турли соҳаларни қамраб олган обзорларда корхоналар, ташкилотларнинг ибратли ишлари таҳлил қилиб берилган.

Институт бажарадиган ишнинг яна бири илмий ахборот йиғиш ва тарқатишдир. Бу борада «Пахтачиликни механизациялаш», «Янги техника», «Пахта саноати», «Ипак» номли тўпламлар ва бюллетенлар чиқарилади. Тўпламларда асосан мутахассис ва новаторларга ўрин берилса, илмий-ахборот бюллетенларида Иттифоқимиз корхоналаридаги ишлаб чиқариш эстетикаси, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқаришни такомиллаштириш, рационализаторлик таклифлари эълон қилиб борилади.

Баъзи корхоналар энг қийин жараёнларни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган ва бошқа масалалар бўйича маълумот сўрайди. Институт ходимлари уларга ўз вақтида тегишли жавоб қайтарадилар.

Ўтган йили илмий ахборотнинг шарофати билан республикамиз саноат корхоналари, қурилиш объектлари, автомобиль транспорти, қишлоқ хўжалиги 4 миллион сўмдан зиёд фойда кўрди.

Одесса автоген заводида ишлаб чиқарилган янгиликни Тошкент экскаватор заводида илмий ахборотдан кўриб татбиқ этилганида 20402 сўм фойда олинди.

— Фан ва техникани беқиёс ривожлантиришда,—дейди институт директори Н. Ўсмонов,—илмий ахборотнинг роли кундан кунга ошмоқда. Илмий-ахборотнинг кўлами қанча кенгайтирилса, мутахассислар янгиликлар билан қанча тез хабардор қилинса ва ишлаб чиқаришга жорий этилса партиямизнинг XXIV съезди қарорларини шунча тезроқ амалга оширишга муносиб ҳисса бўлади. Шунинг учун илмий ахборот методларини яхшилаш, тобора мукаммаллаштириш зарур.

Ҳақиқатан ҳам институт ходимларининг бу соҳадаги ишлари намунали. Кейинги ярим йилнинг ўзида жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналарнинг ўзида ўттиздан ортиқ энг сўнгги илм-фан ютуқлари кўргазмаси ташкил этилди. Ундан ташқари лекциялар, семинарлар, катта мутахассислар иштирокида баҳс кечалари уюштирилди. Республикамиздаги 2399 ташкилот, корхона, қурилиш бошқармалари, конструкторлик бюролари билан бевосита алоқа боғланилган. Уларни Иттифоқимиз ва жаҳондаги барча фан-техника ютуқлари билан ошна қилмоқдалар.

Б. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЧОТҚОЛ ЧЎПОНЛАРИ

ЛАВҲА

Куи терак бўйи кўтарилганда Чақан Аметов отарини баландликда тўплади. Эрта тонгдан —Чўпон юлдузи балқандан бери ўтлаб, обдон тўйган қўйлар бирикетни чўккa тушиб, бағрини ерга бериб, ёта бошлади.

Кўклам. Яйловга файз кирган пайт. Ҳаммаёқ ям-яшил майса гилам тўшагандек. Кечаги ёмғирдан кейин ўтлар яна яшнаб кетди. Турли гиёҳлар — қандим, балиқкўз, донашўр дейсизми, кавраک, чоғон, хоридондан, дейсизми, ҳаммаси бўй чўзиб, қулф уриб гуллаб, майин шабадада аста тебраниб турипти. Қўйлар қанча вақт ўтласа, шунча вақт ётиб дам олади.

Чўпон бир лаҳза ҳам хушёрликни қўлдан бермаслиги керак, чунки шундай сокин кўклам кунларида ҳам отар хавфдан холи бўлмайди. Қўй—пишиб турган қовун, деб бежиз айтилмаган. Гоҳо кутилмаганда осмонда қопқора булутлар ғужғон ўйнаб, шамол кучайиб, кўз очиб юмгунча шовуллаб жала қуйиб юбориши, баъзан ҳатто сел келиши ҳам мумкин. Хавф-хатар изма-из юради, дейишгандек жала ва селдан фойдаланиб отарга бўри ҳужум қилиши ҳам мумкин.

Чақан табиатнинг қудратига лол бўлиб, сойнинг шовуллашига қулоқ солиб ўтирарди. Бу йил сойнинг суви ҳар йилгидан мўл. Кўпириб-тошиб, ҳарсангларга сапчиб, ҳайқириб оқади. Қамиш бутазор ичида баланд овоз билан каклик сайрайди. Осмонда лочин пайдо бўлади. У бутазор устида бир-икки марта чарх уриб айланади-да, ўлжадан умид узиб, тоғ чўққилари томон ўқдай учиб кетади.

Чотқол чўққилари ҳамон қор остида. Чўпонлар ёз бўйи ўз отарлари билан қорни қувлаб чўққилар сари юқорилай беради. Боботоғ чўққилари саратонда ҳам оқарибгина туради. Тоғ этаклари бутун ёз мобайнида шу қор туфайли яшнаб ўзини кўз-кўз қилади. Лекин, қишда қорнинг мўллигидан, совуғидан кишининг суяк-суяги қақшаб кетади.

Ўттиз йилдан ортиқ яйловда юриб, Чақан 1968 ва 1972 йилларидагидек қорни кўрмаган эди. Ўзиям қишмисан-қиш бўлдида! Қўйлар қўра ичида ҳафталаб қамалиб ётар, ҳаво асло юмшай демасди. Узун, қаҳратон қиш кечалари эсига тушса, Чақаннинг бадани жунжиқиб кетади.

Февраль тугаб, совлиқлар қўзилай бошлаганда ҳам ҳаво юмшамади. Кечаю-кундуз тиним билмай ишлашга тўғри келди. Хўжалик раҳбарлари ҳам доимо отарлар бошида бўлишди. Ёрдамга нўпалб сақмончиларни юборишди. Ҳамма иш яхши борди. Битта ҳам қўзининг нобуд бўлишига йўл қўйилмади.

Мўлжалдаги қўзини олиш — муваффақиятнинг ярми, ўйлар эди Чақан, уларни соғлом ўстириш зарур. Қишнинг чўзилиб кетиши қўзилар учун хавф туғдиради. Лекин, бу иш ҳам пухта уддаланди, ҳамма қўзилар ҳозир сутдан чиқиб, ўтлаб кетди.

Май ойида қўйларнинг жуни қирқиб олинади. Майин жунли қўй отарларида жун—асосий даромад манбаи. Бу отарларда жунинг сифатли бўлиши, унинг зарарли ўсимлик аралашмалари ва қўй қилари билан ифлосланмаслигига алоҳида эътибор берилади. Кузда қўйтикан, қўшқўнмас, чалов каби жун учун зарарли ўт уруғлари пишганда айниқса эҳтиёт шарт. Бунинг учун қўй ёмасдан яйловни кўздан кечириб чиқиш, зарарли ўтларни ўриб ташлаш зарур. Агар шу ўтларнинг тикани қўй жунига ёпишса, винтсимон ҳаракатланиб, қўй терисига ҳам тешиб киради, танасини жароҳатлайди.

Жун қирқиш тугагандан кейин ўт ўриш, қишга ем-хашак жамғариш ишлари бошланади. Ундан кейин, қарабсизки, кўз очиб юмгунча куз ҳам яқинлашиб қолади. Совлиқларни қочиришга тайёрлаш, бу муҳим кампанияни айниқса синчковлик билан ўтказиш талаб қилинади. Ундан кейин қишловга тайёргарлик, кўриш, қўраларни ремонт қилиш, пичан ташиш... Хуллас чўпон дўстимизнинг иши ҳамиша бошидан ошиб-тошиб ётади. Қўй боқиш—бу, қўйларни фақат яйловга ҳайдаб ўтлатиш эмас!

Енбағирликда, майсазор устида худди тоғдан думалаб тушган харсанглар каби ғуж бўлиб ётган отарни қўзғатиб ўтлатиш учун ҳайдар экан, Чақан Аметов ана шуларни хаёлидан ўтказар, чўпоннинг эртанги кунини ҳам хаёлан тасаввур қилар эди. Қўй қўралари замонавий усулда темир бетон панелларидан қурилади, кенг ва ёруғ бўлади. Қўйхонани тозалаш механизациялаштирилади, ем-хашаклар қўйларга махсус машиналарда майдаланиб, бўғланиб, қайта ишланиб, тўйимли қилиб берилади. Қўйхона ичида тарнавлардан сув оқиб ўтиб туради. Қишда у иситилади. Яйловларга сув чиқарилади, изен, ёввойи беда, шабдор каби қишда ҳам ўсаверадиган ўтлар экилади. Яйловлар участкаларга бўлиниб, бир участкадаги ўт тугагунча, иккинчи участкадаги ўт парвариш қилинади. Қиш учун қўй ёйиладиган жойларга пичан тарамлаб қўйилади. Транспорт воситалари йўлга қўйилади. Отарлар баланд тоғ-яйловларига машиналарда ташилади. Чўпонлар учун синтетика материал енгил кўчма уйлар қурилади. Унда ҳамма қулайликлар яратилади. Энг муҳими чўпонлар махсус маълумотли кишилар бўлади, у ўзини ёлғиз сезмайди. Чорвачилик бутунлай илмий-техникага асослантирилади.

Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг Ленин орденли бош чўпони Чақан Аметов бу йил ўттизинчи кўкламни яйловда кутиб олди. У уруш йилларида, ўсиринлик пайтларида чўпонга чўлиқ бўлган эди. Уруш тугагандан кейин ўқишни давом эттирди, яна яйлов гашти уни ўз бағрига чорлади. Ҳозир уни бутун районда яхши билишади ,унинг тажрибалари, йил сайин эришиб келаётган муваффақиятлари райондаги катта йиғинларда қайта-қайта тилга олинади. Ёш чўпонлар ундан тажриба ўрганишга келишади.

Чақан Аметов бу йил ҳам қўзи олишда катта ютуқларга эришди. Ҳар 100 бош меринос зотли ярим майин жунли совлиқлардан 135 тадан қўзи олиб, ҳозир ҳаммасини парвариш қилаяпти. Унинг мусобақадоши Аҳмаджон Ёқубов отарида эса 125 тадан қўзи олинди. А. Ёқубов келгуси йилда ўз мусобақадошига етиб олишга аҳд қилган. Колхоз бўйича ҳозир 2100 бошдан ортиқ қўзи олиниб мажбурият ортиғи билан бажарилди.

Колхозда ҳозир жун қирқиш тугалланай, деб колди. Ўтган йили колхоз бўйича давлатга 15 тонна сифатли жун сотилиб, 47 минг сўм даромад олинган эди. Бу йил ундан анча ошириш мўлжалланмоқда. Колхознинг донгдор чўпони Чақан Аметов эса ҳар бош қўйдан 4 килограммдан жун қирқиб олишни кўзда тутяпти.

Б. ШОНАЗАРОВ,
В. УСМОНОВ.

МАЙИН ЖУНЛАР

Қўй жунини сифатли қирқиш ва бу соҳада эришилган илғор тажриба ва усулларни кенг ёйиш мақсадида энг моҳир жун қирқувчиларнинг конкурсини ўтказиб туриш одат тусига кириб қолмоқда. Яқинда областнинг илғор жун қирқувчилари Тошкент от заводига тўпландилар. Бу ерда замонавий жиҳозланган жун қирқиш ўрни ва станоклари тахт қилинган эди. Жун қирқувчилар шахсий ва команда биринчилиги учун курашдилар.

Конкурс шартлари 100 балл системада баҳоланди: бир қўй жунини 3 минутда қирқиш — 40 балл, жунни қўй терисига жароҳат етказмай қирқиш —30 балл, жунни яхлит қилиб қирқиб олиш—30 балл.

Айниқса Оҳангарон ва Юқори Чирчиқ район жун қирқувчилари ўртасида кураш қизғин ўтди. Жюри раиси, область чорвачилик трести бўлими бошлиғи В. А. Рибалкин, область совхозлар трести катта инженери Д. С. Нишонбоев, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори И. А. Тапильский жун қирқувчиларнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турдилар.

Тошкент от заводининг жун қирқувчиси А. Спиридонов ҳар беш қўйнинг жунини 3 минут 15 секунд ичида қирқиб, 95,3 балл тўплади ва биринчи ўринни эгалладди. Иккинчи ўринни Юқори Чирчиқ район «Правда» колхозининг жун қирқувчиси Нормат Пўлатов олди: у 91,2 балл тўплади. Шу колхознинг жун қирқувчиси Сирлибой Мирзалиев оҳангаронлик Қосим Шайкенов, Сандзим Доннёров, Ҳамро Қурбонқулов ҳам юқори натижаларга эришдилар.

Биринчи ўринни эгаллаган А. Спиридоновга фахрий ёрлиқ ва 50 сўм пул, иккинчи ўринни олган Н. Пўлатовга ҳам фахрий ёрлиқ ва 45 сўм пул мукофоти берилди.

Мусобақа якунлари шуни кўрсатдики, областда жун қирқиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилган, жун қирқувчиларнинг маҳорати анча ошган. Мусобақалар тугаганидан кейин конкурс иштирокчиларнинг слёти ўтказилди. Слёт қатнашчилари областнинг барча ёш чўпонларига мурожаат қилиб, қўйчиликни ривожлантириш, жун сифатини ошириш, янги тажриба ва жун қирқиш технологиясини эгаллашга чақирдилар.

В. УРИЦКИЙ.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар



КАМБОДЖА. Камбоджа миллий-озодлик халқ қуролли кучлари Кампонгтрат учун бўлган жангларда душманнинг 2.200 солдатини сафдан чиқардилар ва асир олдилар. 90 ҳарбий машинани, 8 гаубец ва 9 вертолетни шикастладилар. Суратда: ватанпарварлар уриб туширган душман вертолетини синчковдан ўтказмоқдалар.

ВИА—ТАСС фотоси.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Бу ерда Будапешт халқаро ярмаркаси очилди. Бу ярмаркада 41 мамлакатдаги ташқи савдо ташкилотлари қатнашмоқда.

Социалистик мамлакатлардаги ташқи савдо бирлашмалари ва фирмаларнинг кўп ва хилма-хил маҳсулотлари экономикани ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятларни акс эттиради.

СССР павильони совет саноатининг маҳсулотларини намойиш қилиш билан бирга СССР ташкил топган кундан буён ўтган 50 йил ичида қўлга киритилган иқтисодий муваффақиятларни ҳам кўрсатиб беради. Павильондаги экспозиция совет мамлакатининг космосда эришган ютуқларини акс эттиради. «Луноход» макети ҳамманинг эътиборини жалб этмоқда. Совет павильонининг экспозицияси, СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг ривожланишини ҳам акс эттиради.

ИШ ТАШЛАШ ҲАРАКАТИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

РИМ. Италия меҳнаткашларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳомоя этиш, ўзларининг моддий аҳволини яхшилаш учун, ишсизликни тугатиш учун олиб бораётган кураши тобора кенг тус олмоқда.

Ҳозирги вақтда давлат корхоналари ва муассасалари ишчи ҳамда хизматчиларидан 300 минг кишининг бутун мамлакат миқёсидаги 48 соатлик забастовкаси гоят уюшқоқлик билан ўтмоқда. Ишчи ва хизматчилар меҳнат ҳақи нормаларини қайтадан кўриб чиқишни талаб этмоқдалар.

Учта йирик касаба союз марказининг даъватига мувофиқ, мамлакат шаҳарларида бир неча минг кишининг иштироки билан митинг ва намойишлар бўлиб ўтди. Митинг ва намойиш қатнашчилари ўз талабларини қондириш учун қатъий кураш олиб боришга бел боғлаганликларини изҳор қилдилар.

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

КАТТА АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

Ғарбий Германия парламенти шу ҳафта ичида ғоят муҳим қарор қабул қилди. Парламентнинг ҳар иккала палатаси — Бундестаг ва бундесвер 1970 йилда Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси билан тузилган ҳамда Германия Федератив Республикаси ҳукумати имзолаган шартномаларни маъқуллади. Германия Федератив Республикасининг президенти бу шартномаларни имзолаб, Совет Иттифоқи ва Польша ҳам ратификация қилганидан кейин улар кучга киради.

Москва ва Варшавада имзоланган шартномаларнинг аҳамияти аввало, шундан иборатки, улар иккинчи жаҳон уруши натижасида вужудга келган чегараларнинг, жумладан, Польша Халқ Республикасининг ғарбий чегаралари ва Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги чегараларнинг даҳлсизлигини юридик жиҳатдан қайд қилиб, герман фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабанинг якунларини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга бу шартномалар Европанинг урушдан кейинги тарихида муҳим бурилиш бошланганлигидан, яъни «совуқ уруш» давридаги конфронтациядан кескинликни юмшатиш ва тинч ҳамкорлик даврига қадам қўйилганлигидан далолат беради.

Европа ва бутун жаҳон жамоатчилиги шартномаларнинг аҳамиятига шундай баҳо беромқда. Франция, Бельгия, Австрия, Швеция, Дания ва Европадаги бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам шундай баҳо беришди. Германия Федератив Республикасининг канцлери Брандт ғарбий Германия парламентининг шартномаларни маъқуллаганлиги «Федератив Республиканинг тарихида янги давр» очди ва шу билан бирга «шарқ билан ғарбнинг тинч-тотув яшашлигида янги босқич»ни бошлаб берди, деди.

Германия Федератив Республикасининг СССР ва Польша Халқ Республикаси билан тузган шартномалари ратификация қилинганлиги ғарбий Германиядаги тинчликсевар кучлар муҳим ғалаба қозонганлигини англатади. Маълумки бу воқеадан олдин шартномаларнинг тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасида бошланган кескин кураш узоқ вақт давом этди. Европа харитасини янгидан ўзгартириш хом-ҳаёллардан воз кечмаган реваншчи доиралар сўнгги кунларгача шартномаларнинг кучга киришига қаршилик кўрсатмоқчи бўлиб уриндилар. Аммо мамлакатда шартномаларни ратификация қилиш йўлидаги қудратли ҳаракат кучайиб кетган бир пайтда реакция чекинишга мажбур бўлди. Шартномаларнинг муҳолифлари халқаро майдонда яккаланиб қолганлиги ҳам бу соҳада муҳим роль ўйнади.

Ҳозирги вақтда Европа қитъасида кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик йўлида рўй бераётган силжишлар аввало, Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тинчликсеварлик сиёсати натижасида эканлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Бу мамлакатлар, — деб ёзади Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси, — кўп йиллар мобайнида ўз таклифларини сиёсий ва дипломатик йўл билан амалга ошириш учун зўр бериб ҳаракат қилдилар.

Халқаро обзорчилар шартномаларнинг аҳамиятини таъриф лаб, қуйидагиларни таъкидламоқдалар: бу шартномалар Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун ва жумладан, Берлин хусусидаги тўрт давлат битимини, Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган битимларни кучга киритиш учун, шунингдек хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан умумевропа кенгашини ўтказиш учун муҳим заминларни яратиб берди. Эндиликда бунинг учун йўл очиқ.

ОЛЬСТЕРДА ЯНА ҚОН ТЎКИЛДИ

Яқинда шимолий Ирландиянинг энг йирик шаҳарлари — Белфаст ва Дерида яна мотам маросимлари бошланди. Ирландияликлар протестант ультраси ва инглиз солдатларининг ўқларидан ҳалоқ бўлган кишилар билан видолашдилар. Бу сафар католиклар даҳасида бўлган қуролли тўқнашувлар натижасида қон тўкилди. Протестант ультрасининг «Авангард» ташкилоти номи билан машҳур бўлган 60 минг кишидан иборат армиядаги каллакесарлар ирвогарлик мақсадида қуролли тўқнашувларни уюштирдилар.

Ольстерда эўравонликнинг яна авж олиб кетганлиги Лондоннинг бу вилоятда ўтказиб келаётган мустамлакачилик йўли тамомила барбод бўлганлигини исбот қилади. Англия бош министри Э. Хит бундан бир ярим ой илгари Стормонт (шимолий ирландия парламенти) тарқатиб юборилганлигини ва Лондон Ольстерни «бевосита бошқаражг»ни эълон қилган эди.

Шимолий Ирландиядаги турмалар ва қамоқ лагерларида ҳозирги пайтда ҳам 700 сиёсий маҳбус азоб чекиб ётибди. Улар гражданлик ҳуқуқларини олиш йўлидаги ҳаракатда қатнашганликлари учун турма ва қамоқ лагерларига ташланди.

Лондон бир ойдан кўпроқ вақтдан буён Ольстерни «бевосита бошқариб келмоқда». Аммо «бевосита бошқариш» Британия мустамлакатчилари «бўлиб ол ва ҳукмронлик қил» деган машъум сиёсатдан воз кечмаганлигини ва Шимолий Ирландияда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун католиклар билан протестантлар ўртасида адоватни кучайтиришга ёрдам бераётганлигини кўрсатди. (ТАСС).

СССР ва ГДР энергетиклари ўртасидаги ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Совет мутахассислари немис дўстларига Боксбергда қурилаётган йирик теплоэлектростанцияни бунёд этишда яқиндан кўмаклашмоқдалар. Суратда: совет электрчилари группасининг раҳбари, инженер Владимир Ливин (ўртада) немис мутахассислари орасида.

АДН—ТАСС фотоси.

ДЎСТЛИК МИТИНГИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бу ерда СССР билан Миср Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган кунининг бир йиллигига бағишланган тантанали митинг бўлди.

Митингда Араб Социалистик Иттифоқи Гиза вилояти комитетининг секретари Абдул Фаттоҳ Аззам нутқ сўзлаб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Совет Иттифоқи билан Миср ўртасида қарор топган самимий дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли муносабатлари ҳар иккала мамлакатнинг империализмга ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, озодлик ва мустақиллик учун биргаликда олиб бораётган курашига асосланади.

«Совет Иттифоқи, — деди Абдул Фаттоҳ Аззам, — кўп йиллардан буён Мисрга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келаётгани ҳолда бунинг эвазига ҳеч қандай талаб ва шартлар қўймаётир. Ҳар иккала мамлакат халқларининг турли соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги самимий нитилиши бундан бир йил муқаддам имзоланган совет-миср шартномасида ўз ифодасини топди».

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОНАКРИ

Гвинея демократик партиясининг 25 йиллиги муносабати билан Москвадаги геология қидирув институти, Ленинград политехника институти ва Совет Иттифоқидаги бошқа бир қанча олий ўқув юртлари фан-техника адабиёти ва дарсликларнинг 400 томини пойтахт политехника институтига туҳфа қилдилар.

Институт ректори К. Фофана совет студентларига ташаккур изҳор қилиб, ана шу қимматли туҳфа республикадаги иқтисодий қурилишнинг эҳтиёжларини қондириш учун юқори малакали миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам беради, деди. (ТАСС).

ЖЕНЕВА

Швецариянинг Лао-шо-дефон шаҳрида «СССР китоблари» виставкаси очилди. Совет Иттифоқидаги нашриётлар чоп этган турли мавзудаги 750 китоб виставкага қўйилган. Невшатель, Лозанна, Лугано ва Швецариянинг бошқа шаҳарларида ташкил этилган совет китоби виставкалари муваффақият қозонди.

ЛОНДОН

Англиядаги энг йирик «Бритиш дейланд» автомобиль компаниясининг Бирмингамдаги заводларида конвейерлар тўхтаб қолди. Ишчилар ўз ҳуқуқларини камситаётган маъмуриятнинг ҳаракатларига қарши чиқдилар. Забастовкада 3 мингга яқин киши қатнашмоқда. Конвентрида шу компанияга қарашли завод автомобилсозларидан 2 минг киши иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талаб қондирилмаган тақдирда 1 июнда забастовка ўтказа бошлаш ҳақида қарор қабул қилди.

ФЕЛЬЕТОН

ШАРМАНДАЛИ ЯКУН

Пентагоннинг махсус группаси, АҚШ мудофаа министри ёрдамчиси Барри Дж. Шиллито раҳбарлигидаги қўшинларни моддий-техника жиҳатдан таъминловчи экспертлар Сайгонга келишди. Улар ўша жойнинг ўзида ватанпарвар кучларнинг ҳужумларини бартараф этиш учун Сайгон ҳукуматига қандай ёрдам бериш масалаларини муҳокама қилдилар. (Газетадан).

Барри Дж. Шиллито ва унинг группаси Сайгонда ўрнашиб олганларидан кўп вақт ўтмаёқ улар истефога бўшатилган Тхиеу президенти генерал Хоанг Суан Лам билан учрашишни илтимос қилдилар. Генерал Лам яқин вақтгача «биринчи ҳарбий зона» деб номланган округга қўмондонлик қилган эди. Генерал Лам қўшинлари айниқса Куангчи вилояти остоналарида бўлган жангларда «ўрнак» кўрсатдилар; улар вилоят пойтахтини жангсиз ташлаб чиқиб кетдилар.

Барри Дж. Шиллито дарҳол генералдан қандай қилиб бундай ҳол юз берганлигининг сабабини суриштирди. Генерал Лам бир кун аввал Америка мухбирларига нима деган бўлса, ўшани қайтарди:

— Мен уларга қолиш ҳақида буйруқ берган эдим, бироқ, улар кетишди! Улар ҳеч қандай буйруқсиз кетишди. Куангчини сақлаб қолиш ҳақида берилган буйруқ бажарилмади! Бу албатта жуда ёмон, яна қайтараман, ҳунук воқеа, Куангчини қўлдан берганимиз ачинарли ҳолдир!

— Эҳтимол,— оҳиста сўз юритди Барри Дж. Шиллито,— сизнинг қўшинларингизга етарли моддий ва техник таъминот берилмагандир?

Генерал Лам бошн билан тасдиқ ишорасини билдирди:

— Ҳа, ҳа! Мотоцикллар жуда кам эди! Аниқроғи, мотоцикллар йўқ эди.

— Сизни тўғри тушунган бўлсам, генерал,— ачиғланиб деди Барри Дж. Шиллито,— армиянгиз мотоцикл билан жуда ёмон таъминланган. Албатта, мен бу ҳақда Оқ уйга ахборот бераман, айбдорлар жазоланадилар! Аммо, ҳозирги жанг учун нега энди мотоцикллар шунчалик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолди экан? Мисол учун нега бомбардимончи самолётлар, ёки вертолетлар эмас, балки мотоцикллар ҳал қилувчи роль ўйнайди? Ахир, шу вақтгача сизнинг қўшинларингизни моддий-техника жиҳатдан таъминловчи асосий воситалардан бири бизнинг Америка самолётлари эди-ку.

Генерал Лам маккорона кулди:

— Бомбардимончи самолётлар — бу жуда яхши, ҳа, жуда яхши! Аммо, улар жуда баланд учишади. Бизнинг солдатларимиз бундай баландликдан сақрай олмайдилар... Вертолетлар ҳам яхши, жуда яхши. Бизнинг солдатларимиз сизнинг вертолетларингиздан фойдаланмоқдалар. Вертолётлар эса учиб кетмоқда, солдатлар ерда қолмоқда. Ана энди бизга мотоцикллар, жуда кўп мотоцикллар кераклигини тушунгандирсиз!

Шундай бўлса ҳам сиз мотоциклга бунчалик ёпишиб олганлигингизга тушунмай турибман. Ахир, танклар, бронетранспортерлар, ҳарбий юк ташиш машиналари, автомашиналар... борку.

Генерал Лам яна аввалгидек маккаронона илжайди:

— Танклар,— бу жуда яхши, жуда яхши. Бизнинг солдатларимиз Америка танкларидан фойдаланмоқдалар... Бироқ, ҳозирги жанглар учун танкларнинг тезлиги бизни қаноатлантирмаяпти. Улар жуда секин ҳаракат қилишмоқда! Юк ташувчи машиналар деяпсизми,— бу яхши, жуда яхши! Бизнинг солдатларимиз Америка юк машиналаридан ҳам албатта фойдаланяпти... Америка автомашиналаридан ҳам... Америка автомашиналарининг юк ортадиган жойи ва капоти албатта катта. Бизнинг солдатларимиз юк ортадиган жойлардан ва капотлардан ҳам фойдаланишмоқда... Бироқ, юк ташувчи машиналар ҳам, бошқа автомашиналар ҳам коммунистлар учун жуда қулай нишондир... Ана энди мотоцикллар ҳаммасидан ҳам яхши эканлигини тушундингизми? Мотоцикл анча кичик ва айни бир вақтда жуда катта тезликда ҳаракат қиладиган машинадир. Америка мотоциклига 3 ёки 4 солдатимиз ўтириб олиб, ҳаракат қилиши мумкин...

— Ҳм! Менимча мен сизни энди тушундим, генерал. Сиз мотоциклни чекиниш пайтида энг яхши восита деб биласиз... Бизнинг мақсадимиз эса генерал Лам ана шу ҳужумни қайтариш, тушунасизми? Коммунистлар ҳужумини қайтариш. Эҳтимол сизга маълумдир, биз жанубий Вьетнамга янги авиация бирлашмаларини жўнатдик. Булар ичида «Саратога» авионесеци ҳам бор.

— «Саратога»—бу яхши! Жуда яхши. Биз қониқиш билан «Саратога»га ўтирамиз-да, сиз билан Америка Қўшма Штатларига қараб равона бўламиз, ўша ерда вьетнамлаштириш сиёсатини амалга оширамиз...

Жанубий Вьетнамдаги истеъфога чиққан генерал Лам шундай деди-да, ҳи-ҳилаб, Барри Дж. Шиллитонинг бақрайган кўзларига қараб тикилиб қолди...

Шу ўринда Барри Дж. Шиллитонинг генерал Лам билан бўлган суҳбатини тўхтатиб, «Нью-Йорк таймс» газетасида босилган мақоладан цитата келтирамиз.

«Хюэ, Жанубий Вьетнам, 2 май. Минглаб Жанубий Вьетнам солдатлари ҳужумидан талвасага тушган солдатларимиз Куангчи вилоятидан Жанубдаги № 1 йўл бўйлаб тўс-тўполон қоча-бошладилар. Улар дуч келган ҳар бир машинага осилиб, унинг тепасига, капотига ёки ҳонасига чиқиб олар, машиналар чироқларини ёқиб, тўхтовсиз сигнал бериб, куппа-кундуз куни марказий шоссе кўчаларидаги бошқа машиналарга йўл бермай, чекинар эди. Солдатлар юк ташиш машиналарида, танкларда, катта автобусларда ва уч гилдиракли мина автобусларда жуфтакни ростлаб қолишарди. Улар мотоцикларни ўғирлаб унга тўрт кишилашиб ўтириб, қочишарди...

Барри Дж. Шиллитонинг Жанубий Вьетнамдаги армия учун янги мотоцикллар жўнатишига ҳожат бормикин? Ёки ўғирланган мотоцикллар уларнинг мушкулини осон этармикин?

Г. ДАДЬЯНЦ.
(АПН).

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон пойтахтида катта байрам бошланди. 21 майда бу ерда Совет ва Чили ёшлари дўстлигининг V ҳафталиги тантанали вазиятда очилди.

Республикамизда турли мамлакатлар ёшларининг учрашувлари яхши анъана бўлиб қолди. Кейинги йилларда бу ерда совет ва монгол ёшларининг фестивали ўтказилди.

Ҳафталик бошланиши олдидан Совет ва Чили йигит-қизлари Тошкентнинг бош майдонига келишиб, жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали ёнига гулчамбарлар қўйдилар. Шундан кейин улар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар.

Тошкент ёшларидан бир мингдан ортиқ киши А. Навоий номли опера ва балет театрига тўпланишди. Баҳор гулларини кўтариб олган йигит ва қизлар бир неча дақиқа мобайнида «Тинчлик», «Дўстлик», «Ленин» деб хитоб қилдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов дўстлик ҳафталигини очиб, қуйидагиларни айтди: — Бизнинг мамлакатимиз Чили давлати билан муносабатлар ўрнатган. Бу муносабатлар ҳуқуқий тенглик, бир-бирини ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва антиимпериалистик курашда хар томонлама ҳамкорлик қилишга асосланган. Биз Чили ёшларининг бутун жаҳон ёшлари революцион кураши билан жанговар бирдамлигига юксак баҳо берамиз.

Йигилиш қатнашчилари бир минутлик сукут ичида Чили халқининг фожиона ҳалок бўлган мард фарзанди, Чили Бирлашган халқ ҳаракати ташкилотининг бош секретари Родриго Амбросио хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

«Таштекстильмаш» заводнинг токари Аломат Аҳмаджонова, Тошкент давлат университети интернационал дўстлик клубининг президенти Ҳамид Кароматов, «Каттақўрғон» совхозининг чўпони Жонибек Жуманазаров Ўзбекистон ёшлари номидан меҳмонларни самимий табрикладилар. Улар совет ёшлари Ленининнинг халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги васиятига содиқ эканлиги тўғрисида гапирдилар. Чили ёшларининг ўз жамиятини социалистик негизда қайта қуриш учун олиб бораётган қаҳрамонона курашидан завқланганликларини изҳор қилдилар. СССР ёшлар ташкилотлари комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Василенко нутқ сўзлади.

Чили социалистик ёшлари Сиёсий комиссиясининг аъзоси Алексис Норамбуэн Агилар минбарга чиққанида залдагилар уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

22 майда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида Совет ва Чили ёшлари дўстлиги ҳафталиги қатнашчиларининг қабул маросими ўтказилди.

Ёшлар байрамининг программасида кўп тадбирлар мўлжалланган.

(ЎзТАГ).

ИККИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Осиё ва Африка мамлакатлари Тошкент II халқаро кинофестивалига қардош республикалар киносанъаткорлари ҳам ўзларининг асарларини тақдим этишган, жумладан, «Тожикфильм» коллективи бир жуфт ҳужжатли фильм билан иштирок этишяпти.

«Менинг уйим» ҳужжатли фильми чўпонлар ҳаётига бағишланган бўлиб, унда энг қадимий касб чўпонлик ҳақида ҳикоя қилинади. Бу одамлар қандай ҳаёт кечиради? Бу саволга фильм тўлиқ жавоб беради. Фильм қаҳрамони кекса чўпон Гурез ва унинг дўстлари фильмда қудратли, ботир, руҳий олами мислсиз бой кишилар даражасига кўтарилган. Ер юзидаги оддий одамларнинг одамохунлиги, дунё тақдиридаги жавобгарлиги ҳақида фильм режиссёри Л. Солдадзе шоирона тасвирлаб берган, шоирона тасвирдан эса юксак фалсафий хулоса чиқаришга эришилган.

Фильм режиссёри Людмила Солдадзе 1971 йил Москвадаги кинематография институтини тугаллаб, биринчи бор «Ўзбекистон оҳанглари» номли қисқа метражли ҳужжатли фильмини суратга олди. Кейинги суратга олган «Менинг уйим» ҳужжатли фильми (1971 йил) Тбилисида ўтган 1972 йилги Бутуниттифоқ кинофестивалида совриндор бўлди.

Фестивалга тақдим этилган иккинчи ҳужжатли фильм «Кино» деб номланади. Унда помирлик киномеханик Бойназар Тирандозов ҳақида ҳикоя қилинади. У Помир бўйлаб қишлоқма-қишлоқ юриб, меҳнат аҳлларига хизмат кўрсатади. Ўз касбини жон-дили билан севган оддий киномеханикнинг ҳақиқий артист бўлиб етишиши ишонарли бўлган ва воқеага бадиий сайқал берилиб, маҳорат билан ифода этилган.

Фильм режиссёри Владимир Эрвайс ҳужжатли фильмлар яратишда анча шуҳрат қозонган санъаткордир. У жуда кўп қисқа метражли ҳужжатли фильмларга режиссёрлик қилган, Бутуниттифоқ кинофестивалларида соврин олишга муваффақ бўлган. Жумладан, «Нур» фильми 1970 йил 1-Бутуниттифоқ ишчи синфи фильмлари фестивалида соврин олди. «Менинг уйим Нурек» фильми 1972 йилги II-Бутуниттифоқ ишчи синфи ҳақидаги фильмлар фестивалида диплом олишга муяссар бўлди. «Кино» фильми эса, 1971 йилги Краковда ўтказилган халқаро кинофестивалда «Олтин аждаҳо» совринни билан тақдирланди.

«Қозоқфильм» студияси коллективи Осиё ва Африка мамлакатлари Тошкент II халқаро кинофестивалига «Атаманнинг тугатилиши» номли икки серияли бадиий фильмини тақдим этишди. Бу кинофильмда 20-йилларда Қозоғистонда бўлиб ўтган суронли воқеалар ўз бадиий ифодасини топган. Атаман Дутов босқинчиларининг тугатилиши фильмнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Фильмнинг бош қаҳрамони Қосимхон Чодёров (артист А. Ашимов) образи ҳаётий, ишонарли чиққан. У уезд милицияси бошлиги вазифасида ишлайди. Собиқ князнинг ўғли бўлганлиги учун у Дутов лашкари ичига чекист қилиб юборишга лозим топилади. Шунинг учун у шаҳар аҳолисининг кўз олдида қамоққа олинади, тунда қочириб юборилади. У гўёки совет душмани сифатида Дутов қўшини ичига кириб боришга муваффақ бўлади. Чодёров душман ичида катта иш олиб боради.

Э. МУҲАМЕДОВ.

АЖОЙИБОТ ОЛАМИДА

ЭНГ БАЛАНД АНТЕННА

Польшанинг Константинов шаҳрида янги радио эшиттириш маркази қурилмоқда. Унинг пўлатдан қад кўтарадиган мачтаси дунёда энг баланд иншоот бўлади. Кесими 245 ва 133 миллиметрли пўлат трубалардан қуриладиган бу иншоотнинг вазни минг тоннадир. Бир нуқтада изолятор таянча суянадиган бу мачта бир неча пўлат қаватли симлар билан тортилиб қўйилади. Унинг ичида зина ҳамда юк ва пассажирни кўтарувчи лифт ўрнатилади.

Агар жаҳондаги энг баланд иншоотлар ҳисобламиш Эйфель минораси 300 метр, Нью-Йоркдаги Эмпайр стейт билдинг минораси 422 метр, Москвадаги Останкино минораси 537 метр, АҚШдаги Фарого мачтаси 628 метр бўлса, Константиновода қурилаётган мачта 640 метр бўлади.

ЭСКИ ГАЗЕТАЛАРДАН— ОБОЙ

Японияда эски газеталардан обой тайёрлаб чиқарадиган машина ишга туширилди. 700 от кучига эга бўлган электр двигатели билан ишлайдиган мазкур машина бир суткада икки юз эллик тонна газета чиқиндисини қайта ишлайди. Бир йил давомида у тўқсон минг тонна обой қоғози ишлаб чиқаради.

КЕМАДА ВЕЛОСИПЕД

Норвегиянинг «Боргстен» деб аталмиш катта танкерининг ёши анча кексайиб қолган капитани хизмат юзасидан кемани айланганида тез чарчаб қоларди. Нега, кемаларнинг узунлиги уч юз метрдан ортиқ. Нима қилиш керак? Капитан ўйлаб-ўйлаб йўлини топди: у кемани велосипедда айланиб чиқишни машқ қила бошлади.

Қарангки, бу усул шунчалик қулай бўлиб чиқадики, кема эгаси ўз компаниясига қарашли ҳамма танкерларни велосипед билан таъминлаш борасида кўрсатма берди. Бошқа катта ҳажмдаги танкерларнинг капитанлари ҳам бу тажрибани қўллай бошладилар. Ўтган йили Англиянинг «Камбрия» номли гигант кемаси (у икки юз эллик минг тонна сув ҳажмига эга)да велосипеддан фойдаланиш мажбурий қилиб қўйилди.

РЕДАКЦИЯ ТАШАККУРИ

Совет матбуоти куни ва «Правда» газетасининг 60 йиллиги муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг анъанавий маёвкасида ўз санъатлари билан хизмат кўрсатган СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг солистлари Ғанижон Тошматов, Шокир Эргашев, Исҳоқ Катаев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ҳадя Юсупова, Раъно Низомова ва бошқа санъаткорларга, Октябрь район ошхоналар трестига қарашли 14-ошхонанинг пазандаларига редакция коллективи ўзининг самимий ташаккурини изҳор этади.

Бугунги Тошкент. Қизил майдонда қад кўтараётган кўпқаватли маъмурий бинонинг кўриниши.

А. Абалян фотоэтюди.

МАРҲАБО, ТАЛАНТЛАР!

Сиз областлар бўйича ўтказилаётган «Марҳабо, талантлар» телевизион фестивалини «зангори экран» орқали кўргандирсиз, албатта.

Бундай эшиттириш кўпчилик томонидан зўр қизиқиш билан томоша қилинаётгани бежиз эмас. Ана шу циклдаги телевизион фестиваль туфайли санъаткорликка қобилияти бўлган жуда кўп ёш талантлар аниқланяпти, халқимизнинг кўпқиррали бой санъати оммавийлашмоқда.

Яқинда «Марҳабо, талантлар» телевизион фестивали орқали Тошкент области ва пойтахт шаҳри бадиий ҳаваскорларининг санъати билан танишдик. Шу муносабат билан область ташкилий комитети телефестивалда иштирок этиб, ўз талантини намойиш қилишни истаган йигит-қизларни конкурсда қатнашишга таклиф қилади.

Мазкур конкурсда яккахон ашулачилар, раққосалар, созанда ва хонандалар, аскиячи ва интермедиячилар, хуллас, рангба-ранг санъатимизнинг бирор тури билан даврага чиқа оладиган санъат ихлосмандлари қатнаша оладилар.

Телевизион фестивалда қатнашиш иштиёқини билдиргандар Тошкент область маданият бошқармаси («Байналминал» кўчаси, уй 33, телефон 742423) ва Тошкент шаҳар маданият бошқармаси (**«Пролетар» кўчаси, уй № 6, телефон 336997, 336891)да 20 майдан 1 июнгача** рўйхатга олинадилар.

Куй, қўшиқ, рақс — ҳаётимиз йўлдоши, ёшликнинг кўрки ва файзи!

Марҳамат, конкурсда қатнашиб, ўз санъат ва лаёқатингизни намойиш қилинг, қадрли дўстлар!

Пойтахтнинг Беруний майдонидаги 10-дорихона коллективи меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиб келяпти. Суратда: дорихонанинг ишчан ходимларидан Раъно Муҳаммедова билан Надежда Тихонина иш устида. М. Нуриддинов фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТВ

23 МАЙ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.35 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун. **«Мен — пионер слётининг делегатиман».** 18.30 — **«Ахборот»** информацион программаси. 18.45 — **Осиё ва Африка мамлакатлари II халқаро Тошкент кинофестивали олдидан.** 19.45 — **«Ахборот»** информацион программаси (ўзбек тилида).

Ўзбек тилида: 20.30 — **«Қардош халқлар адабиёти». Украин ёзувчиси М. СТЕЛЬМАХнинг ижодий портрети.** 21.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. **Усимликшунослик ва пахтачилик факультети.** 22.30 — **«Марҳабо, талантлар!»** СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган халқ ижодкорлари телевизион фестивали. Хоразм область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши (эзиб олинган).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.20 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

20.00 — **Эстетика асослари.** 8—10 синфлар. «Коммунизм даврида эстетика маданиятининг аҳамияти» (рус тилида).

Ўзбек тилида: 20.40 — **10 синф ўқувчилари учун консультация.** 21.10 — **«Ҳалокат»** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

КАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да **Трубадур,** 24/V да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/V да **Табассум ўғрилари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/V да **Ажаб савдолар,** 25/V да **Менинг жаннатим,** 26/V да **Паранжи сирлари.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА— 23/V да **Дийдор,** 24/V да **Номзодлар,** 25/V да **Биринчи бўса.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Эль Греко — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Лочин изидан — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Польша альбоми — «НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Кабриола — ҲАМЗА номли, «КУКЧА» «СПУТНИК», (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик (4, 5 фильмлар) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Секундлар қиммати (тоқ соатларда), **Икки кунлик мўъжиза** (жуфт соатларда): — «ДРУЖБА».

Ромео ва Жульетта (2 серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Икки кунлик мўъжиза— «ФЕСТИВАЛЬ».

Эль Греко — «ХИВА».

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
27, 28 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ДА
БУТУНИТТИФОҚ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ФЕСТИВАЛИ ҲАМДА БУТУНИТТИФОҚ БАДИЙИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИ ЛАУРЕАТИ «ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: САЙФИ ЙЎЛДОШЕВ, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА, БОЛТА ШАРИПОВ;

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Гулшод ОТАБОЕВА, Аҳмад ШУКУРОВ, Назира ШЕРАЛИЕВА, Қодир МУМИНОВ, Хотам ХУЖАЕВ, Рўза ҚАКУРИЕВА, Турсун ҒИЕСОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳаким НИШОНОВ.

Ансамбль хормейстери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдуқаҳҳор СУЛТОНОВ.

Музика раҳбари — Тельман ҲАСАНОВ.

ПРОГРАММАДА: Ўзбек совет композиторларининг асарлари, шарқ халқларининг ашула-музика ва рақслари ҳамда мақомлардан парчалар, катта ашулалар.

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

КУРАШ МОСКВАДА ДАВОМ ЭТАДИ

Якшанба куни «Юбилей» марказий спорт залида бокс бўйича СССР биринчилиги учун зона мусобақасининг финал учрашувлари бўлиб ўтди. Илк бор биринчи ўта енгил вазндаги тошкентлик И. Муллаев ва Ҳ. Муталовлар рингга чиқишди. Учрашув И. Муллаев фойдасига ҳал бўлди. Энг енгил вазндаги А. Ли (Тошкент) ва В. Аванесов (Боку) ўртасидаги кураш қизғин бошланди. Тошкентлик спортчининг бўйи рақибидан анча баланд. В. Аванесов эса бақуввт йигит. Шуни ҳисобга олган бокулик боксчи оғир зарбалар билан шиддатли ҳужумлар қилиб рақибини эсанкиратиш йўлига ўтди. А. Ли эса уни яқин келтирмай ҳужумга ҳужум билан жавоб бера бошлади. В. Аванесов қанча кучли зарбалар ёғдирмасин нишонга етмасди. Қайтага «оғир» жавоблар оларди. А. Ли эса очко кетидан очко олар ва оғир зарб бершда ҳам рақибидан кам эмаслигини кўрсатарди. Биринчи раунд тугагач В. Аванесов таслим бўлганини билдирди.

А. Қодирохунов (биринчи ярим ўрта вазн) яна ўз маҳорати ва ғалабага иродасини намойиш қилди. Рақиби В. Алексеев унга нисбатан анча жуссадор ва жисмоний кучли. Финалгача рақибларини нокаут ва нокдаунлар билан ютиб келган бу спортчи жисмоний устунлигидан фойдаланиб қаттиқ ҳужумга ўтди. Дастлабки секундларда бир оз устунликка ҳам эришди. Оғир «қуроли» билан Абдуллани суриб юборар, кетма-кет зарба берар эди. Абдулла бўш келмади. Масофани яхши ҳис қилган, вазиятни тез тушуниб олувчи бу йигит рақибининг қўллари орасидан ўтиб нишонни анин оларди. Лекин бу зарбалар жисмоний бақувват куйбишевлик спортчига унча билинмаётгандай эди.

Иккинчи раунд. Рақибини «ўрганиб» олган А. Қодирохунов В. Алексеевнинг оғир зарбаларидан қочишни ҳаёлига ҳам келтирмай қўйди. Борган сари тошкентлик йигитнинг зарбалари аниқроқ тегар, ҳужумлари кескинлашарди. Учинчи раунд Абдулланинг тўла устунлигида ўтди. Бутуниттифоқ «Зенит» жамиятининг 1969 йилдан бери сурункасига тўрт марта чемпиони фақат ҳимояни ўйлай бошлади. Абдулла Қодирохунов Тошкент зонасининг ғолиби шарафига муяссар бўлди.

Республикамиз бокс мухлислари халқаро тоифали спорт мастери, СССР халқлари V спартакиадасининг чемпиони Руфат Риҳсиевни яхши биладилар. Шу вақтгача ўн тўққиз марта халқаро мусобақаларда қатнашиб ўн олтитасида шохсупанинг тўридан ўрин олган севимли боксчимиз финалда москвалик Ю. Гагарин билан куч синашди. Бу учрашув финал «жанги»га эмас, балки машқ ўхшаш, Р. Рихсиев зарба бериш техникасини мукаммаллаштирмоқчидай эди. Гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан, гоҳ тўғридан, баъзан якка якка, баъзан серияли зарбалар берар, рақиб ҳужумига чап берар ва шу онда яна ҳужумга ўтарди. Рихсиев уччала раундда ҳам москвалик спортчини қаттиқ синовга олди. Судья Руфатнинг қўлини кўтарганида қарсаклар босиб кетди.

Фарғоналик чарм қўлқоп устаси Холмат Содиқов ҳам рақибларини таслим қилиб финалга чиқди. Лекин финалда кураши унга насиб этмади. Х. Содиқовнинг касаллиги туфайли ғолиблик халқаро тойфали спорт мастери А. Васюшкин (Москва)га берилди.

Бундан ташқари ўз вазн тоифаларида М. Жақсибоев (Чимкент), И. Лебедев (Ленинград), В. Кудряков (Тошкент), В. Юдин (Фарғона), В. Куришко (Тошкент), В. Гребенко (Олмаота)лар ҳам тошкент зонасининг ғолиблари бўлишди.

Учрашувнинг охирида И. Муллаев, А. Ли, М. Жақсибоев, З. Аббосов, И. Лебедев, В. Кудряков, А. Қодирохунов, Р. Рихсиевларга нўнгилли спорт жамиятларининг совринлари топширилди. Оғир «жанг»ларда матонат кўрсатиб курашган В. Куришкога «Ғалабага иродаси учун» мукофоти тақдим этилди. А. Васюшкин эса «Маҳорати учун» совринининг эгаси бўлди.

Маълумки, мамлакатимизнинг олти шаҳрида шундай зона мусобақалари ўтди. Бу мусобақаларда 500-дан ортиқ боксчилар қатнашган бўлса, энди улардан 80 га яқини қолди. Улар 14—18 июнда Москвада бўладиган финал ўйинларида куч синашадилар. Бу катта ринг даврасига Ўзбекистон спорти шарафини ҳимоя қилиш учун И. Муллаев, А. Ли, В. Кудряков, А. Қодирохунов, Р. Рихсиев ва тўғри финалда қатнашиш ҳуқуқини олган ака-ука Николай ва Александр Анфимов ва В. Шабельниковлар борадилар.

Б. ПУЛАТОВ.



Суратда: биринчи ўта енгил вазнли боксчилар Ю. Жильцов (Хабаровск) ва И. Муллаев (Тошкент) мусобақалашмоқда. Бу учрашувда И. Муллаев (ўнгда) ғолиб чиқди.

Б. Мазук фотоси.

(ЎзТАГ).

МУҲИМ ҒАЛАБА

«Пахтакор» футболчилари Харьков шаҳрида «Металлист» устидан 2:1 ҳисобида муҳим ғалабага эришдилар. Ҳисобни аввал майдон эгалари очишди. Танаффусга чиқиш арафасида Абдураимов жавоб тўпи киритди. 60-минутда Лисаковский командасини ғолибга олиб чиқди.

Кейинги турда пешқадамлар муваффақиятсиз қатнашди. Жумладан, «Кутаиси» торпедочилари Қарағанда шаҳрида «Шахтёр»дан енгилдилар — 0:1. Донецк кончилари шу ҳисоб билан Куйбишевда мағлуб бўлдилар. Шуни айтиш керакки, бу «Крилья Советов»нинг мавсумдаги биринчи ютуғи бўлди. Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Динамо» (Ленинград) — «Строитель» — 4:0, «Уралмаш» — «Автомобилист» — 0:1, «Шинник» — «Помир» — 1:2; «Звезда» — «Спартак» — 3:0, «Металлург» — «Кривбасс» — 3:1, «Текстильщик» — «Олга» — 1:1. Турнир жадвалида вазият қуйидагича:

КОМАНДАЛАР	У	Ю	Д	М	Т	О
Торпедо К.	8	6	0	2	12—3	12
Пахтакор	9	5	2	2	10—8	12
Шахтер Д	9	3	5	1	12—5	11
Помир	9	4	3	2	9—10	11
Черноморец	8	4	2	2	16—8	10
Автомобилист	8	3	4	1	10—6	10
Звезда	8	3	4	1	7—3	10
Шахтер К	8	3	4	1	8—6	10
Шинник	9	4	2	3	9—8	10
Кр. Советов	8	1	7	0	8—7	9
Спартак Ор.	9	4	1	4	12—13	9
Олга	9	1	6	2	8—6	8
Металлург	9	2	4	3	11—10	8
Металлист	9	2	4	3	8—10	8
Кривбасс	9	2	3	4	9—16	7
Нистру	8	2	2	4	4—9	6
Строитель	9	2	2	5	8—16	6
Уралмаш	8	1	3	4	8—10	5
Динамо Л	8	2	1	5	7—11	5
Текстильщик	8	0	3	5	6—17	3

Бугун биринчи лига командалари навбатдаги учрашувларни ўтказишади. «Пахтакор» Ленинградда ўйнайди.

ПЕШҚАДАМ ЕНГИЛДИ

Мавсум бошидан буён олий лигада пешқадамлик қилиб келаётган «Заря» Тбилиси шаҳрида динамочилардан енгилди. Ҳисоб 1:2. Энди турнир жадвалида биринчи ўринга тбилисиликлар чиқиб олишди. Бу команда саккиз ўйинда ўн уч очко тўпладди. «Заря» ҳам шунча очкога эга бўлсада, тўплар айирмаси ёмон бўлгани учун иккинчи ўринга тушди. Ростов армиячилари мавсумда биринчи ғалабани қўлга киритдилар. Улар Ереван шаҳрида «Арарат»ни енгдилар — 1:0. ЦСКА—«Динамо» (Киев) — 3:2, «Торпедо» — Карпати — 0:0, «Динамо» (Минск) — «Днепр» — 0:0. Минсклик Э. Малофеев 11 метрлик штраф зарбасини киритолмади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04210. ИНДЕКС 64697. Б. 1755.